



*Муъассар ДИЛМУРОДОВА,  
Республика илмий педагогика кутубхонаси  
Илмий библиография бўлими бошлиғи*

## АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХИЗМАТИ ТУРЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида” 2017 йил 12 январдаги Ф-4789-сон фармойиши ва “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон қарори билан фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг янги сифат даражасини юзага келтириш сари илгари сурилган янги талаблар муносабати билан ахборот-ресурс марказларининг фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиши катта ташкилий ва мазмуний ўзгаришларга учради.

Юртимизнинг ахборот-кутубхона муассасалари моддий-техник базаси тубдан янгиланиб, замонавий техник воситалар билан таъминланди. Масофадан туриб ахборот-кутубхона хизматларидан фойдаланиш имкониятларини янада такомиллаштириш мақсадида Интернетдан кенгрок фойдаланиш йўлга қўйилди.

Интернет ресурслари ҳисобига фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг электрон базасини кенгайтириш ресурс маркази библиографи учун Республиканинг йирик кутубхоналари, ахборот-кутубхона муассасаларининг электрон каталоглари, шунингдек универсал ва тармоқ библиографик базаларининг ахборот-маълумотнома ҳамда илмий-тадқиқот йўналишидаги тўлиқ матнли маълумотлар базасида акс этган тарбия назарияси ва методикаси, маънавий маърифий масалаларда, психология, маданиятшунослик, экология, янги педагогик технологияларни ривожлантиришда маълумотлардан фойдаланиш имконини беради.

Фойдаланувчиларга қўшимча қулайликлар яратиш учун виртуал сервис хизматини йўлга қўйишда

интерактив виртуал маълумот хизмати, яъни “Тез библиографик ёрдам”, “Онлайн-маслаҳатчи”, “Библиограф-онлайн”, “Библиоолам” ва бошқалар алоҳида гуруҳларга ахборот-библиографик хизмат кўрсатишнинг янги имкониятларини очиб беради.

Кутубхоначиликда ахборот ресурсларига тўғридан-тўғри кириб бориш имконини яратадиган АРМ ва кутубхоналарни автоматлаштириш жараёнлари фойдаланувчилар эҳтиёжини янада тўлиқроқ қондиришда мазкур муассасаларнинг ролини оширади.

Кутубхона хизмати билан фойдаланувчиларнинг барча гуруҳларини қамраб олишни талаб этадиган тизимлилик энг муҳим жараёнлар саналади.

Кутубхона хизмати – бу фойдаланувчиларга уларнинг муайян эҳтиёжларини қондирувчи библиографик ва фактографик ахборотни, ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаларини ва бошқа кутубхона хизмат турларини тақдим қилишдан иборат. Фойдаланувчиларга, одатда қуйидаги кутубхона хизматлари кўрсатилади:

- а) якка тартибда кутубхона хизмат кўрсатиш;
- б) гуруҳли кутубхона хизмат кўрсатиш;
- в) фронтал (оммавий) кутубхона хизмати кўрсатиш.

Якка тартибда ва гуруҳли ахборот бериш – библиографик ахборот бериш турига қиради, чунки улар ўхшаш ахборотларга эҳтиёжи бўлган, умумий қизиқишлари билан бирлашган фойдаланувчилар ёки бир гуруҳ фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Фойдаланувчиларнинг реал фаолият кўрсатаётган гуруҳлари: ўқитувчилар, шифокорлар, тадбиркорлар ёки китобхонларнинг шартли равишда бирлашган гуруҳлари – шеърият ҳаваскорлари, ўлкашунослик тўғараги аъзолари ва бошқалар гуруҳли хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш учун мўлжал саналади.

Оммавий библиографик ахборот бериш истеъмоличларнинг кенг доирасига ижтимоий ва маданий аҳамиятга молик мавзулар бўйича библиографик ахборотни вақти-вақти билан ва мунтазам равишда етказиб туришни ифода этади. Оммавий ахборот бериш ахборот-кутубхона муассасалари, кутубхона фондига келиб тушаётган адабиётларни ёйиш воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланувчиларга зарур ахборотни излаш учун хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган анъанавий ва электрон маълумотнома, библиографик нашрлар, кутубхона каталоглари ва картотекалари йиғиндисидан иборат бўлган маълумотнома-библиография аппаратурини ташкил этиш ва жорий қилиш мумкин. Бунда вақтинча ва доимий фойдаланиш учун турли ташувчилар – қоғоз, электрон компакт дисклар, аудио ва видеокассеталардаги нашрлардан фойдаланишни таъминловчи ахборот хизматларини бажариш лозим.

Ушбу хизмат йўналиши қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

- манбаларни уйга бериш, ўқув залида фойдаланиш учун ҳужжатларни тақдим қилиш;

- моддий ташувчидаги электрон ҳужжатларни сотиб олиш;

- Интернет тармоғига жойлаштирилган тўлиқ матнли электрон ҳужжатлардан фойдаланишни ташкил қилиш;

- фойдаланувчиларга электрон ҳужжатларни етказиб беришни ташкил қилиш;

- ҳужжатлардан ксероносуха олиш, сканер ёрдамида нусха олиш хизматларини бажариш;

- фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишда қулайликлар яратиш.

Фойдаланувчиларнинг оғзаки, ёзма, электрон почта орқали библиографик ва фактографик сўровларини қондиришни таъминловчи библиографик, фактографик сўровларини қондиришни таъминловчи маълумотлар банклари ва базаларидан фойдаланишни ташкил этиш қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

- электрон почта бўйича сўровларни бажариш;

- турли ахборот ташувчиларда библиографик кўрсаткичлар, қўлланмалар, рўйхатлар, дайджестлар чиқариш; Масалан, долзарб мавзуга ёки маълум бир шахснинг ҳаёти ва ижодига бағишланган библиографик кўрсаткичлар, тавсия рўйхатлари;

- мамлакатнинг электрон кутубхоналарига, маълумотлар банклари ва базаларига киришни ташкил этиш;

- электрон кутубхона каталогини ташкил қилиш.

Кутубхоналарда, ахборот- кутубхона муассасаларида компьютер жиҳозларидан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятига қуйидаги иш шакллари кўшиш мумкин:

- электрон кўрғазмалар, слайд-маърузалар, компьютер тақдимотлари ишлаб чиқиш;

- фойдаланувчилар учун янги ахборот технологияларини жорий қилиш бўйича маҳорат дарслари, дисклар премьераси, мультимедиа кўрсатувлар таёрлаш;

- конкурслар, викториналар, медиалекторий, мультимедиа-иншоолар ва бошқаларни уюштириш.

Ҳозирги вақтда ахборот-кутубхона муассасалари муҳим эътиборни материаллар намойишининг инновацион шакллари қаратишлари лозим. Буларга библиографик қўлланмаларнинг қуйидаги кичик шакллари қиради:

- . Фляерлар, буклетлар, закладкалар. Бунда босма нашрлар билан виртуал манзилларни кўрсатиш, қўшимча фактографик ахборотларни киритиш мумкин.

- . Мавзули дайжестлар, кўп ҳужжатлардан фрагментлар (иктибослар, статистик жадваллар, рефератлар, конспектлар) фойдаланувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб аниқ мавзу бўйича гуруҳлашган бўлиши лозим.

- Интернет-ресурслар бўйича йўл кўрсаткичлари. Ахборот-кутубхона муассасаларининг Интернетга уланиши нафақат босма, балки электрон нашрларни қидиришда ҳам жуда муҳимдир.

- Фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини тўлақонли даражада қондиришга йўналтирилган ахборот-кутубхона хизмати турларини кенгайтириш мақсадига, Республика илмий педагогика кутубхонаси Токент давлат педагогика университети ва Қ.Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий текшириш институти академик ва профессорлари ҳақида “Шарафли касб фидойилари” номли биобиблиографик кўрсаткич тайёрлашни режалаштирган.

- Биобиблиографик қўлланмаларни тайёрлашдан мақсад, олимларнинг илмий меросини асраш, уларнинг педагогика фанлари соҳасида эришган меҳнат ютуқларини системалаштириш ва оммалаштиришдан иборат.

- Кутубхоначилик фаолиятини замонавий ривожлантириш учун библиограф касбий билимини ошириб бориши зарур.

- Фойдаланувчиларга замон талабларига мос хизмат кўрсатиш, уларга ахборотнинг инновацион шакллари тақдим қилиш бугунги кун кутубхоначилик фаолиятида муҳим жараён ҳисобланади.